



ARTICLE INFO

Received: 16th May 2024

Accepted: 22th May 2024

Online: 23th May 2024

KEYWORDS

Search, criminal case, detective, cooperation, stop, tepgov hapakatlapi, investigator, accused.

ORGANIZING THE ACTIVITIES OF TEPGOV OPGANLAP AFTER THE INVESTIGATION AND PRELIMINARY INVESTIGATION ARE TERMINATED

Ashirboyev Axrorjon Tirkash o'g'li

Internal affairs of the Republic of Uzbekistan

Academy of the Ministry of Investigation the head of the cabinet of the department,

E-mail: ashirboyevaxrorjon@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11259384>

ABSTRACT

The article describes in detail the interactions between the investigator, the investigator, and the organization that conducts the investigation before the investigation after the termination of the investigation and preliminary investigation. The need to create a process of investigation is justified from a practical and theoretical point of view, based on the nature of the situation, which prevents the implementation of an inquiry and preliminary investigation, and is based on the important features of mutual cooperation and foreign experience in this regard, some problematic situations encountered in the investigation practice, and their elimination. proposals are developed.

ОРГАНИЗАЦИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СЛЕДСТВЕННЫХ ОРГАНОВ ПОСЛЕ ПРЕКРАЩЕНИЯ ДОЗНАНИЯ И ПРЕДВАРИТЕЛЬНОГО СЛЕДСТВИЯ

Аширбоев Ахроржон Тиркаш угли

Начальник кабинета кафедры Следственной деятельности

Академии МВД Республики Узбекистан

E-mail: ashirboyevaxrorjon@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11259384>

ARTICLE INFO

Received: 16th May 2024

Accepted: 22th May 2024

Online: 23th May 2024

KEYWORDS

Розыск, уголовное дело, дознаватель, сотрудничество, приостановление, следственные действия, следователь, обвиняемый.

ABSTRACT

В статье подробно описаны взаимодействие следователя, дознавателя и органов, осуществляющие доследственную проверку после приостановления дознания и предварительного следствия. Также необходимость создания плана по устранению пробелов в процессе предварительного расследования обоснована с практической и теоретической точки зрения, исходя из характера ситуации, препятствующей осуществлению дознания и предварительного расследования, и базируется на важных особенностях взаимного сотрудничества, также изучен зарубежного опыт в



этой сфере, некоторые проблемные ситуации, встречающиеся в следственной практике, и приведены предложения по их устранению.

СУРИШТИРУВ ВА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ТЎХТАТИЛГАНИДАН КЕЙИН ТЕРГОВ ОРГАНЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Аширбоев Ахроржон Тиркаш ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар

вазирлиги Академияси Тергов фаолияти кафедраси кабинет бошлиғи

E-mail: ashirboyevaxrorjon@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11259384>

ARTICLE INFO

Received: 16th May 2024

Accepted: 22th May 2024

Online: 23th May 2024

KEYWORDS

Қидирув, жиноят иши,
суриштирувчи, ҳамкорлик,
тўхтатиш, тергов
харакатлари, терговчи,
айбланувчи.

ABSTRACT

Мақолада суриштирув ва дастлабки тергов тўхтатилгандан кейин суриштирувчи, терговчи ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган билан ўзаро ҳамкорликликлари атрофлича ёритиб берилган. Шунингдек суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган ҳолатларни бартараф қилишда уларнинг табиатидан келиб чиқиб, бартараф қилиш режасини тузиш кераклиги амалий ва назарий жихатдан асослантирилган ва ўзаро ҳамкорликликнинг муҳим хусусиятлари ва бу борадаги хориж тажрибаси, тергов амалиётида учраётган айрим муаммоли ҳолатлар, уларни бартараф этиш юзасидан асослантирилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Суриштирув ва дастлабки тергов тўхтатилгандан сўнг иш юритаётган шахс (суриштирувчи, терговчи) терговни тўхтатишга асос бўлган ҳолатларни процессуал қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда тезда бартараф этишга қаратилган фаолиятни амалга оширади. Процессуал қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда, тўғри ташкиллаштирилган ва аниқ мақсадга йўналтирилган фаолият жиноят ишини юритиш сифатини ташкил этишга бевосита таъсир кўрсатади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг умумий вазифаси ягона жиноят содир этган шахсларни аниқлаш, қидириб топиш ҳамда уларнинг терговдаги иштирокини таъминлашдан иборат. Жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни аниқлашда иш юритаётган ваколатли шахс фаолиятининг сифатли бажарилиши ишнинг натижасига таъсир этади.



Суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатишни тақозо этадиган ҳолат вужудга келганидан бошлаб, ишни юритаётган шахс мазкур ҳолатни бартараф этиш чораларини кўради ва бунда фаолият тергов тўхтатилган пайтда ҳам давом этади. ЖПК 370-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, “дастлабки тергов тўхтатилгандан кейин ва у қайта тиклангунга қадар тергов ҳаракатлари ўтказилишига йўл қўйилмайди”. Мазкур модда “тергов ҳаракатлари” деганда фақат далил тўплаш усуллари назарда тутилган бўлиб, терговчи томонидан айбланувчининг иштирокини таъминлаш мақсадида ташкилий ҳаракатларнинг амалга оширилишига йўл қўйилади. Жумладан, айбланувчининг қаердалигини аниқлаш мақсадида қидирув эълон қилиш (ЖПК 365-моддаси), нафақат юритилаётган, балки тўхтатилган жиноят иши юзасидан терговчи, зарур бўлса, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган орқали айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахсни аниқлаш ва уни жавобгарликка тортиш чораларини кўриш шарт (ЖПК 367-моддаси иккинчи қисми).

Бунда асосан, жиноят ишини юритишга тўсқинлик қиладиган ҳолатларни бартараф қилишда уларнинг табиатидан келиб чиқиб, бартараф қилиш режасини тузиш ниҳоятда муҳим. Айбланувчининг касаллиги туфайли жиноят ишини юритиш тўхтатилганда бундай режанинг тузилиши талаб қилинмайди. Лекин, қолган асосларга кўра суриштирув ва дастлабки тергов тўхтатилганда тергов фаолиятини режалаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Бундай режалаштириш хусусида процессуал норма мавжуд бўлмасада, жиноят ишларини тергов қилишни тўғри ташкил этиш учун зарур ҳисобланади. Чунки унинг ёрдамида жиноятларни тергов қилишда вақт тежалиши баробарида ишни тўхтатишга сабаб бўлган ҳолатларни бартараф этиш жараёни тезлашиши мумкин. Субъектив омиллар нуқтаи назаридан қаралганда, суриштирув ва дастлабки тергов тўхтатилган ишларда режанинг мавжудлиги терговчини ҳаракат қилишга ундайди.

Жиноят ишини режалаштириш ҳар доим амалий фаолият бўлиб, аксарият ҳолларда, жиноят иши фактга нисбатан қўзғатилган ишларда унинг салмоғи жуда ҳам сезиларли. Афсуски, амалиётда айрим ҳолларда улар расмиётчилик учун тузилиб, уларда жиноят иши бўйича аниқ ва зарур амалий тадбирлар бажарилиши кўзда тутилмайди. Бундан ташқари, тергов амалиётида аксарият ҳолларда фақат оғир ва ўта оғир жиноятларни тергов қилишда режалаштириш амалга оширилади. Терговчи ўз фаолиятида барча жиноят ишларига бирдай муносабатда бўлса, мақсадига эриша олади. Назаримизда, терговчи аниқлаши мураккаб бўлган барча турдаги жиноятлар бўйича режа тузилиши лозим. Тўхтатилган ишлар бўйича ҳаракатлар режасининг тузилиши эса, муддат билан чегараланмаган вақтда одил судлов манфаатларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Режаларда терговга қадар текширувни амалга оширувчи ва тергов органлари ҳамкорлигининг акс эттирилиши жиноятни очиш ва айбланувчининг иштирокини таъминлашда мустаҳкам пойдевор яратади.

Амалиётда суриштирув ва дастлабки тергов тўхтатилган жиноят ишлари бўйича ҳаракатлар режасининг мавжудлиги ҳолати ўрганилганда, тергов ходимларининг атиги 20 фоизи тўхтатилган ишлар юзасидан режа тузганликларини, қолган 80 фоизи умуман режа тузмаганликлари билдирилган[1].



Демак, суриштирувчи, терговчи ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси биргаликда тузган оғзаки режада ўзаро келишув билан ягона натижага эришишга қаратилган индивидуал режалар ҳам бўлади[2]. Режанинг индивидуаллиги хар бир иштирокчининг аниқ бир вазифаси ҳамда ролини кўрсатиб беради ва барча ҳаракатларнинг мажбурий тартибда тақсимланишини белгилайди. Боз устига, ижтимоий ходисаларнинг айнан бир хилда юз бермаслиги ҳақиқатга мос эмаслиги боис, С.В.Кузмин таъкидлаганидек, режалаштиришнинг мазмуни ва йўналиши ҳамда унинг натижаси хар қандай иш бўйича ҳар доим аниқ ав такрорланмас бўлиши лозим[3].

Мазкур режанинг узлуксизлиги жиноят иши тўхтатилгандан кейин тергов фаолиятида бундай тўхтатишнинг ҳақиқий сабаблари бартараф этилгунга қадар давом этаверади.

Л.П.Дубровицкаянинг таъкидлашича, режалаштириш асосли, яъни режалаштирилган ҳаракатлар ҳақиқатга мос бўлиши керак[4]. Бу ўз навбатида, суриштирувчи, терговчи терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар билан режа тузиш пайтидаги пухта маълумот алмашинувига боғлиқ. Терговчи муайян иш бўйича аниқ маълумотга эга бўлсагина, қидирув тадбирларини, реал имкониятларни амалга оширишни тўғри белгилай олади.

Демак, суриштирув ва дастлабки тергов тўхтатилган жиноят ишлари бўйича ҳаракатлар режаси турғун бўлиши мумкин эмас. Режа ҳар доим олиб борилган тадбирлар ҳисобига ўзгаришларга сабаб бўлиши керак. Терговчи томондан олинган маълумотларни режага қўшимча равишда ёки уни тўғирлаш керак бўлмаган жойларини чиқариб ташлаш даркор.

Суд ва тергов амалиёти таҳлили шуни кўрсатдики, жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг асосий самараси улар фаолиятидаги ҳамкорликка боғлиқ. Суриштирувчи, терговчи ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шасхлари суриштирув ва дастлабки тергов тўхтатилган ишлар бўйича ўзаро фаолиятининг ўзига хос хусусияти, бир томондан, тўхтатишнинг асосларида вужудга келса, бошқа томондан, бу асосларни бартараф этиш мақсадида тўхтатилган ишлар бўйича ўзаро фаолиятни амалга оширади. Суриштирувчи, терговчи ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шасхларининг ўзаро фаолияти хар бир асоснинг амалий хусусияти билан боғлиқ.

Суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатишда суриштирувчи, терговчи ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шасхларининг ўзаро фаолиятини шартли равишда терговни тўхтатишдан *олдин* ва *кейин* келадиган икки босқичга бўлиш мумкин. Бунда ҳамкорликнинг хусусияти давом этаётган жиноят иши ёки суриштирув ва дастлабки тергов тўхтатилган ишларга қараб белгиланади.

Суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш бўйича суриштирувчи, терговчи ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шасхларининг ўзаро фаолияти билан боғлиқ хусусиятларини таҳлил этар эканмиз, ўзаро фаолият тушунчасига тўхталиб ўтиш жоиз. Бунда ҳуқуқий категорияни аниқ тушуниш учун уни ҳуқуқий жиҳатдан қўллай билиш ва ҳуқуқий тартибини белгилаш керак.



Жиноят процессуал ҳуқуқда “ўзаро фаолият” ибораси терговга қадар текширувни амалга оширувчи ва тергов органи томонидан жиноят иши бўйича фаолиятнинг ҳамда ўзаро муносабатнинг умумий ҳолатларини тартибга солади. Бироқ, айнан шу ибора ушбу органларнинг фаолиятида келишилган ҳолда жиноятни очишда ва жиноят содир этган шахсларни аниқлашда кенг тушунча бўлиб хизмат қилади.

Айрим юридик адабиётларда ўзаро фаолият тушунчаси бўйича шунга ўхшаш маъно ифодаланган. Терговга қадар текширувни амалга оширувчи ва тергов органининг ҳамкорлиги деганда, суриштирувчи, терговчи ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахслари биргаликда, мақсадлари, жойи ва вақти бўйича келишилган, қонунга ва қонуности ҳужжатларига асосланган, дастлабки тергов вазифаларини бажаришга қаратилган фаолияти тушунилади[5].

Бундан ташқари, ўзаро фаолият тушунчасига, Б.А. Денежкиннинг қайд этишича, мустақил восита ва усулларга қаратилган ҳолда уларнинг функциялари белгиланади. Шунинг учун, терговга қадар текширувни амалга оширувчи ва терговни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахслари ўзаро фаолияти бу қонунчиликда белгиланган асосий фаолият сифатида, ўз ваколатларини сифатли бажариши ва иш усуллари бир-бирига боғлиқ бўлиши билан жиноятларни очиш ва тергов қилишга қаратилган[6].

Олимлар томонидан берилган фикрларнинг барчаси суриштирувчи, терговчи ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг қонун билан белгиланган вазифаларни самарали бажаришга қаратилган. Бизнингча, терговга қадар текширув ва тергов органининг асосий ўринда ўзаро фаолияти деганда, усул ва воситаларни тўғри қўллаш орқали жиноят ишини юритишга тўсқинлик қилувчи омилларни бартараф этишга қаратилган муваффақиятли ва самарали фаолияти тушунилади.

Терговга қадар текширув ва тергов органининг ўзаро фаолиятининг аҳамиятли жиҳати жиноят-процессуал қонунчилик вазифаларидан келиб чиқиб, бу органларнинг ваколатларини бир-бирига боғлайди. Терговчининг фаолияти процессуал ва тергов ҳаракатларини бажарганидан сўнг яқунланади. Бошқа ҳолатлар юзасидан, терговчи дастлабки тергов иш ҳолатларидан келиб чиқиб, қидирув ҳаракатларини амалга оширади. Терговга қадар текширув органининг фаолияти эса процессуал ва тезкор-қидирувдан ташкил топган бўлиб, жиноятларни очишда аҳамиятли ҳисобланади. Бундай ўзаро фаолиятлар жиноят иши бўйича суд босқичига қадар амалга оширилади.

Терговга қадар текширув ва тергов органининг ўзаро фаолиятини норматив тартибга солиш нафақат Ўзбекистон Республикаси ЖПКда, шунингдек, бошқа ҳуқуқий норматив ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топган. Бироқ, амалиётда алоҳида вужудга келадиган ҳолатлар Жиноят-процессуал қонунчилиги доирасидан ташқари хал этилади. Шунинг учун терговга қадар текширув ва тергов органи ўзаро фаолиятининг ташкилий ҳамда тактик масалалари уларнинг ички қонуности ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

Бу норматив ҳуқуқий ҳужжат терговга қадар текширув ва тергов органларининг фаолиятини тартибга солувчи ўзаро фаолиятининг шаклини белгилайди. Терговчи ва суриштирувчининг ўзаро фаолиятини икки шаклга процессуал ва ташкилий шаклларга бўлиб тадқиқ этишган[7]. Процессуал шакл жиноят-процессуал қонунчилик



доирасидаги нормалар асосида амалга оширилади, бироқ ўзаро фаолиятнинг ташкилий шакли жиноят-процессуал қонунчилигида ўз ифодасини топмаганлиги сабабли, бундай ҳаракатлар жиноят ишининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда фаолият олиб борувчи органларнинг ички норматив қонуности ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Ташкилий шакл тергов жараёнида ёки тергов тўхтатилганда, ўзаро фаолиятни амалга ошириш пайтида вужудга келади ва тўхтатилган ишни бартараф этиш бўйича терговчи билан терговга қадар текширув амалга оширувчи орган ўртасида турли хил муносабатларни белгилайди. Шунинг учун ташкилий шакл жиноят-процессуал қонунчилиги доирасидан ташқарида белгиланади.

Айрим юридик манбаларда, терговчи терговга қадар текширув амалга оширувчи орган фаолиятининг қонунийлиги устидан назоратни амалга ошириши мумкинлиги кўрсатилган, шу билан бирга, жиноят иши юзасидан тезкор-қидирув тадбирлари ҳамда суриштирув органи ҳужжатлари билан терговчининг топшириғи асосида танишиб чиқиш ҳуқуқига эга[8]. Бундай берилган таъриф мунозарали хисобланади. Тезкор-қидирув фаолиятини олиб борувчи терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг қарорлари ва ҳаракатларининг қонунийлиги устидан назорат функциясини терговчининг зиммасига юклаш мумкин эмас. Бундай назорат прокурор ваколатига киради ҳамда бу қонун билан кафолатланади (ЖПКнинг 47-боби). Бундан ташқари, барча терговчиларнинг тезкор-қидирув тадбирларда иштирокини таъминлаш қийинчиликларга олиб келиши мумкин. Лекин ҳеч-шубҳасиз, терговчи тезкор-қидирув фаолияти натижалари бўйича маълумот олиб бориши ҳамда уларни таҳлил этиши даркор. Бу билан терговчининг берган топшириғи асосида иш натижалари ҳақида хисобот талаб қилиш тушунилади.

Таъкидлаш лозимки, назарияда тезкор қидирув фаолияти илмий мунозараларга сабаб бўлган. Бу айнан терговчи томонидан қидирув эълон қилиш масаласига ҳам тааллуқли. Шу ўринда Е.Ф.Коновалов томонидан, терговчининг қидирув мақсадида яширинган айбланувчиларнинг қаерда эканлигини ҳамда бошқа маълум объектларни аниқлашга қаратилганлиги боис, жиноят ишининг бир қисмини ташкил этувчи фаолият хусусида билдирилган фикрлар жуда ўринлидир[9]. Ҳақиқатан ҳам, суриштирув ва дастлабки тергов тўхтатилгандан қидирув ҳаракатларини амалга ошириш, суриштирувчи, терговчи фаолиятида ўта муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, суриштирувчи, терговчи қидирув фаолиятидаги усуллар ва қидирув жараёнида шахс ҳуқуқларини муҳофаза қилишни назардан четда қолдирмаслиги керак. Айнан мазкур қоидаларга амал қилинмаслиги қидирув фаолияти натижаларининг ҳақиқий эмас деб, суриштирувчи, терговчининг ҳаракатлари эса ноқонуний деб топилишига олиб келади.

Суриштирувчи, терговчи маълумотга эга бўлишининг асосий жиҳати унинг тезкор-қидирув ҳаракатларини ҳолатлари ва натижалари ҳақида хабардор қилиб турилиши хисобланади. Терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган томонидан олиб борилган тезкор – қидирув тадбирларининг натижалари бўйича ўз вақтида суриштирувчи, терговчини хабардор қилиб боришлари даркор. Жиноят-процессуал қонунчиликда терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган суриштирувчи, терговчини иш ҳолатлари юзасидан хабардор қилиш масалалари юзасидан аниқ бир шакл мавжуд эмас.



Бизнинг фикримизча, хабар билдирги ёки маълумотнома шаклида терговчига тақдим этилиши мумкин. Асосан, бу ёзма шаклда ифодаланиши лозим, унда кун, жойи ва ким томонидан тузилган бўлса, унинг лавозими ва фамилияси, исми, шарифи, олиб борилган тадбирларнинг моҳияти ва натижалари ўз аксини топган бўлиши керак ҳамда ёзма шаклдаги хабар суриштирувчи, терговчига тезкор маълумотлар билан танишиб чиққанидан сўнг тақдим этилиши керак.

Баъзи бир юридик адабиётларда, агар суриштирувчи, терговчига терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган томонидан шахси аниқланмаган жиноят иши берилган бўлса, бунда терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган жиноятни очиш, жиноятчини ушлаш ва аниқлашга қаратилган тезкор-қидирув ҳаракатларида мажбурий тартибда қатнашади.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган учун жиноятни очишнинг ўзи етарли эмас, чунки улардан жиноятни ким содир қилинганлигини аниқлаш ҳам талаб қилинади. Улар суриштирувчи ва терговчининг топшириқларини кутмасдан тезкор-қидирувларни давом эттириши шарт[10].

Юқорида берилган изоҳга кўра, фикримизча, айбланувчи тариқасида жалб этилиши лозим бўлган шахс аниқланмаган иш терговга қадар текширувни амалга оширувчи органдан суриштирувчи ёки терговчига ўтказилган бўлса ҳам, бундай ҳолатда шу терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган вакилини тезкор-қидирув тадбирларида иштирок этишга мажбурлигини белгилаш ноўрин. Жиноят содир этган шахсларни аниқлаш ва уларни қидириб топиш жиноят қидирув ходимининг вазифаси, лекин айни шу ҳолат юзасидан терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган ходимига мажбурий тартибда буни юклаш амалий жихатдан нотўғри булса керак. Чунки терговчи бундай тартибдаги ишни ўз юритувига олганидан сўнг, бошқа бир ходим бунга жалб этилиши мумкин. Бундан кўриниб турибдики, ТҚТ амалга оширувчи орган жиноят иши қўзғатилганидан кейин, кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини бажариши билан айбланувчи тариқасида жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаган ишни терговчига ўтказганидан сўнг, ТҚТ ходими ўзининг ташаббуси билан ҳаракатларини давом эттириши ҳамда иш фаолиятининг натижаси бўйича тергов органига хабар бериб туриши мумкин. Бу борада Ш.Ф.Файзиевнинг, қатор ҳолларда тўхтатилган иш бўйича жиноят содир этган шахс ҳақида ҳамда айбланувчининг каердалиги тўғрисидаги ахборот суриштирувчи, терговчи томонидан бошқа жиноят ишлари бўйича гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар ва айбланувчилар билан суҳбат йўли орқали олиниши мумкин[11], деган фикри ўринли. Демак, шунга ўхшаш жиноятлар бошқа ТҚТни амалга оширувчи органнинг иш юритишида бўлиши мумкин ёки бўлмаса, жиноятлар содир қилиши мумкин бўлган шахслар ҳақида маълумотлар шу ходимда бўлиши мумкин. Жиноят иши юзасидан қидириб кетилган айрим камчиликлар бошқа ТҚТни амалга оширувчи ходимга маълум бўлиши мумкин. Шунинг учун айбланувчи тариқасида жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаган ишлар билан боғлиқ ишлардаги ҳаракатларини олиб боришни, суриштирувчи, терговчи ишни қабул қилиб олган тезкор вакилга ёки бошқа ходимга топшириқ бериши масаласини ўзи ҳал этиши мақсадга мувофиқ.



Демак, иш бўйича шахсни аниқлашга қаратилган чора-тадбирлар қанчалик тез амалга оширилса, жиноят содир этган шахсни аниқлаш имконияти ҳам шунча тезлашади. Бу чора-тадбирларнинг тезлашиши жиноят содир этган шахсни топишда далиллар йўқолиши ёки жиноят содир этган шахснинг узокка кочиш кетиши ва унинг шахси тўғрисидаги маълумотлар, далиллар ва ҳолатлар йўқолишининг олди олинади. Бундан ташқари, жиноят содир этган шахс томонидан ўзининг шахсини исботловчи ҳужжатларни қалбакилаштириш ва бошқа шу каби жиноятлар содир этилишининг олди олинади. Шу билан бирга, суриштирувчи, терговчи ҳар доим раҳбарлик етакчилиқни ўзида саклаши даркор. Тезкор вакил ҳар бир ҳаракати тўғрисида суриштирувчи, терговчига маълумот тақдим этиб туриши ва тергов органи томонидан берилган топшириқларни бажариши шарт.

Мазкур юридик адабиётда яна бошқа бир ёндашув илгари сурилган. Бунда айбланувчининг шахси аниқланган, жиноят ишлари терговчига ўтказилгандан кейин суриштирувчи терговчининг топшириғисиз бирор-бир чоралар қабул қилишга ҳақли эмас. Бундай ҳолатда ТҚТ органининг вазифаси суриштирувчи, терговчи юритаётган иш бўйича унинг айрим тергов ва қидирув ҳаракатларини ўтказиш тўғрисидаги топшириқларини бажариши ҳамда терговчига унинг тергов ҳаракатларини бажаришида кўмаклашиш мажбуриятдан иборатдир[12]. Бу таъриф асосли, бундай вазиятда ТҚТ ходими суриштирувчи, терговчининг топшириғисиз ҳеч қандай чорани амалга ошира олмайди. ТҚТ ходими ҳар доим ЖПКнинг 36 ва 39-моддаларига кўра, суриштирувчи, терговчининг топшириғига биноан қидирув ҳаракатларини амалга оширади. Бундай ҳолатда тергов органида жиноят иши материалларига биноан айбланувчи шахс хусусиятини характерловчи маълумотлар бўлиши мумкин. Бу маълумотлар асосида айбланувчи, асосан, қаерда бўлиши мумкинлиги ва ким билан учрашиши, касаллиги тўғрисидаги маълумотга эга бўлса, касаллигига кўра қайси шифохонада бўлиши ҳамда яқин инсонлари бўлса, улар тўғрисида, олдин содир этган жинояти бўйича судланган бўлса, шахсига оид бошқа маълумотлар тергов органида бўлиши мумкин. Бундан ташқари, айбланувчи вафот этган бўлиши, ҳарбий хизматда бўлиши ёки бошқа бир жинояти бўйича тергов ҳибсхонасида бўлиши мумкин. Келтирилган бундай маълумотлар ТҚТ ходимида бўлмаслиги мумкин. Шунда тергов органи ўзининг кўрсатмаси ёки топшириғи асосида яширинган ва қаердалиги номаълум шахсни қидириш бўйича жиноятни тез ва тўла очиш мақсадида ТҚТ ходимига тўғри кўрсатма беради. Натижада яширинган айбланувчи тезда иш юритувга таъминланади. Баъзида яширинган ёки қаердалиги номаълум бўлган айбланувчини аниқлаш бўйича айрим тергов ҳаракатларини амалга ошириш зарурати туғилади ва шунда тергов органи ТҚТ ходимига тегишли топшириқ бериши ҳам мумкин.

Шундай қилиб, терговга қадар текширув ва тергов органларининг амалий фаолиятида шундай ишлар тартибини ташкил этиш керак. ТҚТ ходими томонидан тергов органига айбланувчи тариқасида жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаган жиноят ишини ўтказганидан сўнг, иш бўйича ўзи тезкор-қидирув фаолиятини давом эттириши мумкинлиги ҳамда ТҚТ ходими терговчига яширинган ёки қаердалиги номаълум бўлган айбланувчига доир жиноят ишини ўтказганидан сўнг терговчининг топшириғи билан қидирув фаолиятини олиб бориши мумкин.



Айбланувчининг касаллиги билан боғлиқ ҳолатларга тўхталадиган бўлсак, ишни тўхтатишда вужудга келиши мумкин бўлган муаммо ва камчиликлар йуқ эмас. Амалиётда кўп ҳолларда айбланувчи касаллигини баҳона қилиб, шифохонага ётқизилади. Бундай ҳолда терговчи вақт беҳудага ўтишининг олдини олиш учун даволанаётган айбланувчининг шифокори билан суҳбатлашиши ва унинг касаллиги яна қанча давом этиши мумкинлиги бўйича маълумот олиб туриши лозим. Бундан ташқари, айбланувчи терговдан бўйин товлаш мақсадида ўзига тан жароҳати етказиши ёки бошқа бир касалликларни ўзига юктириши мумкин. Бундай ҳолатда айбланувчи томонидан қасддан содир этган ҳаракати учун тергов органи дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ёки қилмаслик масаласига жиддий эътибор қаратиши лозим.

Терговдан яшириниш мақсадида касаллик баҳона қилинаётганлиги тахмин қилинса, бундай пайтда тергов органи ТҚТ органига айбланувчини тезкор-қидирув тадбири асосида (яширин тарзда) кузатув остига олиш тўғрисида топшириқ бериши лозим. Шифохонада даволанаётган айбланувчи бошқа бир жиноят содир этиши мумкинлиги хавфи борлиги аниқланса ёки тахмин қилинса ҳам, жиноятнинг олдини олиш мақсадида прокурорнинг топшириғи билан ТҚТ органларининг тезкор-яширин тарзда кузатувида бўлиши лозим.

Суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш нафақат жиноятларни тергов қилишда, шу билан бирга жиноят процессининг кейинги босқичларида ҳам юз бериши мумкинлиги боис, судда тўхтатилган ишлар юзасидан ҳам суддан (судьядан) муайян ҳаракатларни амалга ошириш талаб қилинади. Бирок, судда жиноят ишини тўхтатишни тақозо этадиган ҳолатларнинг кўлами ва юз бериш эҳтимоли жиноятларни тергов қилиш босқичига қараганда камроқ бўлади. Чунки, айбланувчи шахсини аниқлаш ва ишда иштирокини таъминлаш чоралари тергов вақтида кўрилган бўлади.

Айбланувчининг (судланувчининг) рухий ёки бошқа касаллиги туфайли суд томонидан тергов тўхтатилганида, суд ўзи ёки ТҚТ органи орқали даволанаётган айбланувчи (судланувчи)нинг соғайиш жараёнини кузатиб бориши лозим. Агар айбланувчи (судланувчи)га эҳтиёт чораси сифатида камок қўлланилган бўлса, суд бундай топшириқни бажариш учун уни тергов хибсхонасига юбориши мумкин. Амалиётда ҳам шунга ўхшаш ҳолатлар кузатилади.

Масалан, Тошкент шаҳар Миробод туман жиноят ишлари бўйича суд томонидан айбланувчи Г. яширинганлиги сабабли унга нисбатан жиноят иши тўхтатилган. Қидирув натижаларидан сўнг яширинган айбланувчи Г. қаердалиги аниқланганида, жиноят иши қайта тикланган. Суд мажлисини куриш учун тайинлаш чоғида айбланувчининг касаллик ҳолатлари вужудга келади ва тайинланган суд-тиббий экспертизасининг хулосаси асосида унинг стационар тартибда даволаниши талаб этилади, натижада жиноят иши яна тўхтатилади. Бирок, айбланувчининг олдин суддан яширинганлигини инобатга олиб, унга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қўлланилган қамок ўзгартирилмай қолдирилган ва айбланувчи даволанаётган муассасада унинг ахволдан вақти-вақти билан хабар олиб туриш учун туман ички ишлар органларига топшириқ берилган[13]. Судьялар томонидан амалга оширилаётган мазкур ҳаракатларни ижобий деб баҳолаш мумкин.



Биринчидан, жиноят иши чўзилишининг олди олинади ҳамда жиноятдан жабр кўрган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ўз вақтида таъминлаш чоралари кўрилади.

Иккинчидан, айбланувчи касаллигини баҳона килиб, келгусида кейинги бир жиноят содир этиш хавфининг олди олиниши мумкин.

Учинчидан, суднинг бундай ишлар бўйича бевосита фаоллиги ошади. Умуман, суд тўхтатилган ишлар бўйича фаол ҳаракатларни амалга оширмаса-да, терговни тўхтатиш асосларини бартараф этиш учун сезиларли ҳаракатларни амалга оширади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш вужудга келгандан сўнг суриштирувчи, терговчи ва прокурор, Жиноят-процессуал қонунчилик вазифасини амалга ошириш учун ўзаро ҳаракатларни амалга оширадilar. Келгусида тўхтатилган ишлар сони ошишининг олдини олиш ва уни тезда бартараф этиш ҳолатлари бўйича мутахассис терговчиларни шакллантириш лозим бўлади. Шу билан бирга, айбланаётган шахсларни жавобгарликка тортиш учун ҳамда жиноят содир этган шахсни аниқлаш борасида суриштирувчи, терговчи ва терговга қадар текширув ўзаро фаолиятини юқорида кайд этилган талаблар асосида аниқ мақсад ва йўналиш сари белгилашдан иборат. Жумладан, суднинг жиноят ишини тўхтатиш бўйича фаолиятини сезиларли даражада ошириш алоҳида аҳамиятга молик.

References:

1. “Ишни судга қадар юритишда суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатишни такомиллаштириш” илмий тадқиқот доирасида ўтказилган сўровнома натижалари келтириб ўтилган.
2. Сергеев Л. А., Соя-Серко Л. А., Якубович Н. А. Планирование расследования / Под общ. ред. Н. И. Сапожникова. - М.: Всесоюзный институт по изучению причин и разработке мер предупреждения преступности, 1975. - С.12.
3. Кузьмин С. В. Принципы планирования расследования // Правоведение. Москва, 2006. - № 1. - С.172.
4. Дубровицкая Л.П., Лузгин И.М. Планирование расследования.- М.: ВШ МВД СССР, 1972. - С.9.
5. Миренский Б. А., Рахмонкулов А. Х., Камалходжаев Ж., Кодирова В. В. Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси: Дарслик Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004, Б.-345.
6. Денежкин Б.Л. Взаимодействие органов предварительного следствия с другими государственными органами в борьбе с преступностью / Под ред. проф. В.В.Степанова. Саратов: СГАП, 1997. - С.4
7. Жиноят процесси (Махсус қисм): Юридик олий ўқув юртлари ва университетларининг юридик факультетлари талабалари учун дарслик / З.Ф. Иноғомжонованинг умумий тахрири остида. - Т: ТДЮИ, 2008.- Б.25;
8. Рохлин В. Следователь: положение и полномочия // Законность. Москва, 2005. - №10. - С.22.
9. Коновалов Е.Ф. Розыскная деятельность следователя. - М.: ВШ МВД СССР, 1973. - С.5.



10. Жиноят процесси (Махсус қисм): Юридик олий укув юртлари ва университетларининг юридик ва факультетлари талабалари учун дарслик / З.Ф. Иноғомжонованинг умумий тахрири остида. - Т.: ТДЮИ, 2008-5.23.
11. Файзиев Ш.Ф. Терговчи ва суриштирув органларининг ўзаро муносабати: Монография. - Т.: ТДЮИ, 2011.-Б.114.
12. Жиноят процесси (Махсус қисм): Юридик олий укув юртлари ва университетларининг юридик факультетлари талабалари учун дарслик // З.Ф. Иноғомжонованинг умумий тахрири остида. - Т.: ТДЮИ, 2008.-5.24.
13. Тошкент шаҳар Миробод туман жиноят ишлари бўйича суди томонидан қўрилган жиноят иш ҳужжатларидан.